

## SCIENTIFIC ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF EMERGENCY EXPERT AND ACCIDENT REPORTING SERVICE DEPARTMENTS

Ибрагимов Икромжон Саидахметович,

Райимов Сабиржан Задибекович,

Шодиев Гофур Баратович

Махматмуродов Фарход Хайдарович

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали

### Abstract

In this article the problems that are depend on the function of “Operative forensic and the section that services to notify the accidents” were discussed. Creating of new normative documents that are mark the activity service and modern methods of scientific organizational work were offered.

**Keywords:** Informing accidents, appeal of citizens, unknown corpses.

### Introduction

Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 287-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июнда тасдиқланган “Суд-тиббий экспертиза хизматининг тиббий, фармацевтик ва бошқа ходимларнинг штат меъёрлари” ишлаб чиқилди. Мазкур штат меъёрлари (РСТЭИАМ филиаллари, 10-банд) асосида РСТЭИАМ Тошкент филиали бўйича 06.04.2020 йилдаги 15-И-сонли буйруқ билан оператив экспертлик хизмати негизида “Тезкор экспертлик ва бахтсиз ҳодисаларни хабарлаш хизмати бўлими” (кейинги матнда ТЭ ва БХХХБ) ташкил этилди. Буйруқда 1 бирлик бўлим мудирлари, 3 бирлик тунги сменали ўрта тиббий ходимлар ажратилиб, бўлим фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза хизмати тизимидаги барча тузилмаларда ишни илмий ташкил қилиш юзасидан нафақат ходимлар функционал вазифаларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган, ҳатто кўплаб ўқув қўлланмалари ва илмий мақолалар чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси суд-тиббий экспертиза тизими ислоҳ қилиниши муносабати билан “Тезкор экспертлик ва бахтсиз ҳодисаларни хабарлаш хизмати бўлими” РСТЭИАМ барча филиалларида фаолият кўрсата бошлади. Аммо бу бўлимнинг фаолиятини регламентловчи замонвий Низом, бу бўлимларнинг ўзаро, бошқа ташкилотлар ва филиал бўлимлари билан алоқаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифаларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар шу вақтга қадар ишлаб чиқилмаган. Бу эса ўз навбатида “Тезкор экспертлик ва БХХХ бўлими” фаолиятини ташкиллаштиришда қийинчилик туғдирмоқда.



ТЭ ва БҲХХБ Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори чиққунга қадар асосан Тошкент шаҳар филиалида амалда бўлган талаблар доирасида фаолият кўрсатиб келган. Бошқа филиалларда эса лозим бўлган штатлар ажратилмаган, иш йўлга қўйилган филиалларда эса Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 287-сонли буйруғи талаблари тўлиқ бажарилмаган.

РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиали ТЭ ва БҲХХБ ўз фаолиятида Тошкент шаҳар филиали тажрибаси асосида аввал юритилиб келинган “Экспертларнинг навбатчилик журнали”га қўшимча равишда “Экспертларнинг воқеа жойига чиқишларини рўйхатга олиш журнали”, “Номаълум мурдалар бўйича маълумотлар журнали”, “Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш журнали”, “Навбатчи лаборантларнинг давомат журнали”, “Лаборантлар фаолиятини қайд этиш журнали” юритилиши йўлга қўйилди.

Тошкент вилоят филиали ТЭ ва БҲХХБ ўз фаолиятида бу хизмат олдида қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида Тошкент шаҳар филиали билан яқиндан ҳамкорлик, яъни топилган номаълум мурдалар ва фуқаролар мурожаатлари юзасидан маълумотлар алмашишни йўлга қўйди.

Тошкент вилоят филиали ТЭ ва БҲХХБ ўз фаолиятини бошлагандан вақтдан буён бўлимда номаълум мурдалар ва фуқароларнинг мурожаатлари бўйича электрон шаклда маълумотлар базаси яратилди.

Тошкент вилоят филиали ТЭ ва БҲХХБ фаолиятидан келиб чиқиб, бўлим олдида қўйилган вазифаларни лозим даражада бажариш ва ишни рисоладагидек ташкиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) ТЭ ва БҲХХБ фаолиятини назорат қилиш ва бошқарувни такомиллаштириш мақсадида алоҳида тузилма сифатида бўлимнинг ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш ва уни вазирлик тасдиғига киритиш;

2) Республика миқёсида барча вилоятлар ТЭ ва БҲХХБ ўртасида алоқани такомиллаштириш мақсадида қуйидаги ҳолатлар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш:

- таниб олинмаган мурдалар;
- фуқаролар мурожаатлари реестри;
- қариндошлари томонидан олиб кетилмаган ва давлат маблағлари ҳисобига кўмилган номаълум фуқаролар мурдалари;
- соғлиқ ҳолати, ёши ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳақидаги маълумотларни бера олмайдиган шахслар;

3) “Тезкор экспертлик ва БҲХХ бўлими” фаолиятини регламентловчи янги Низом ишлаб чиқиш;

4) Янги Низом асосида “Оператив экспертлик ва БҲХХ бўлими” мудири, экспертлари ва лаборантлари фаолиятини регламентловчи “ҳодимларнинг иш мажбуриятлари”ни ишлаб чиқиш;

Фикримизча, юқорида келтирилган вазифаларнинг амалга оширилиши ТЭ ва БҲХХБ олдида қўйилган вазифаларни лозим даражада бажариши ва аҳолига кўрсатиладиган хизматни янада такомиллаштириш имконини беради.



**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республика Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-4049-сонли “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июнда тасдиқланган “Суд-тиббий экспертиза хизматининг тиббий, фармацевтик ва бошқа ходимларнинг штат меъёрлари”.

